



## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР БҮЙИЧА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБАТНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ

Абдурашидова Гўзал Акром қизи,  
Мустақил тадқиқотчи, Тошкент, Ўзбекистон

## STATUS AND ISSUES OF FINANCIAL REPORTING INFORMATION ON FINANCIAL RESULTS

Abdurashidova Gozal,  
Independent researcher, Tashkent, Uzbekistan

*JEL Classification: D2, D25*

**Аннотация.** Маҳолада пахтатўқимачилик кластерларининг иқтисодиётдаги ўрни, уларда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Пахтатўқимачилик кластерида молиявий натижалар кўрсаткичларини шаклланишининг назарий асослари таҳлил қилинган. Пахта-тўқимачилик кластерларининг даромадлар ва харажаталар элементлари ва молиявий натижалар бўйича молиявий ҳисобатнинг ахборот таъминоти ҳолати ва муаммолари ўрганиб чиқилган.

**Abstract.** The role of cotton-textile clusters in the economy, specific aspects of accounting in them are studied in the article. The theoretical foundations of the formation of financial performance indicators in the cotton-textile cluster were analyzed. The state and problems of information supply of the financial report on income and expenditure elements and financial results of cotton-textile clusters are studied.

**Калим сўзлар:** пахта-тўқимачилик кластерлари, молиявий ҳисобат, даромад, харажат, халқаро стандарт.

**Keywords:** cotton-textile clusters, financial report, income, cost, international standard.

**Кириш.** Жаҳон амалиётида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий мақсади ижобий молиявий натижага эришиш, яъни максимал даражада фойда олишdir. Шу ҳолат компанияларда молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисботи тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотларни олиш ва муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратиб берган. Бу шундан далолат берадики, халқаро бозорга чиқиш хорижий ҳамкорларнинг молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисботи хусусиятларини аниқлаш, уларда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини қўллашни тақозо этади.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитида ҳар бир пахтатўқимачилик кластерларининг олдига қўйган асосий мақсади бу фойда олишdir. Фойда ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳамма босқичларнинг иқтисодий категориясидир. Фойда иқтисодий категория ва молиявий якун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Фойдани барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қиймат қонунини ва хўжалик юритиш усули сифатида фойдаланадиган хўжалик ҳисобининг объектив талабидир. Пахта-

тўқимачилик кластерларининг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришнинг доимо кенгайишини, унинг техникавий даражасини мунтазам кўтариб туришни талаб этади. Бунинг учун ишлаб чиқаришда ҳамма вақт фойдага эришилиши, реализация қилиниши ва ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш лозим.

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятида фойда иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти мақсади сифатида қаралади. Жаҳон амалиётида фойда дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Фойда бу даромадлар ва ҳаражатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар орасидаги қуи ўзгарувчанлик эса заарни ифодалайди. Даромадлар ва ҳаражатлар молиявий натижларни характерловчи фойдани ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадлар ва ҳаражатларни, яни фойдани аниқлаш ва ўлчаш - корхона ўз молиявий ҳисботини тайёрлашда фойдаланиладиган капитал концепцияси ҳамда капиталнинг сақланишига боғлик бўлади. Пахта-тўқимачилик кластерларининг даромадлар ва ҳаражаталар элементлари куйидагича аниқланади.

**Материал ва метод.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар бир пахта-тўқимачилик кластерлари ўзининг ишлаб чиқариш тиҷорат фаолиятидан кўпроқ даромад олишдан манфаатдор. Аммо нафақат фойда, балки юқорида таъкидланганидек, заар ҳам фирма ва компания фаолиятининг молиявий натижаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолат фирма ва компания самара бермайдиган ишлаб чиқариш усулларидан фойдаланса ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот

истеъмолчилар талабини қондирмаса рўй бериши мумкин.

Фаолият юритишнинг ҳозирги тизим шароитида фойда кўрсаткичи пахта-тўқимачилик кластерларининг асосий ва ахборот маблағларидан самарали фойдаланишни талаб ва эҳтиёжга қараб ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчи талабига жавоб бера оладиган бўлиши, ишлаб чиқариш ҳаридор учун хизмат қилиши лозим. Тўла хўжалик ҳисобининг муҳим тамойили, пахта-тўқимачилик кластерларининг тўла мустақилликка эришуви ва ҳаражатларни ўз маблағи ҳисобидан қоплашидир. Бу эса пахта-тўқимачилик кластерлари маҳсулот сотишдан олган маблағидан ўзининг ҳамма ҳаражатларини қоплайди ва ундан ташқари фойда ҳам олади. Фойданинг бир қисми бюджетта солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш учун сарфланади, қолгани эса фирма ва компания ихтиёрида қолади ва фаолиятни илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Фирма ва компания ихтиёрида қолган маблағни қандай мақсадларга сарфлашни ўзи мустақил равишда ҳал қиласди.

Фойда, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ҳам соғ даромаднинг шакллари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ташкил топиш механизми ва улар йўналишлари бўйича бир биридан фарқ қиласди. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи давлат бюджетига маҳсулот сотилганидан кейин ўtkaziladi, бу маблағ умумдавлат ҳамда умумхалқ мақсадлари учун сарфланади. Бу солиқлар давлат бюджетининг фойдаси бўлиб, товарларни сотувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, иш ва хизматлар кўрсатувчи

фирма ва компаниялардан белгиланган фоиз ставкалар асосида ундирилади ва бюджетта ўтказилади. Бу давлат бюджети фойда қисмининг бир бўлагини ташкил қиласди.

Фойда пахта-тўқимачилик кластерларининг охирги молиявий натижаси ҳисобланади. У пахта-тўқимачилик кластерлари даромадининг бир қисми ташкил қиласди. Кўпгина одамлар фойда ва даромад тушунчаларини адаштиришади. Аслини олганда фойда бу даромаддан турли хил чегирмалари ва бошқа харажатлар айриб ташлангандан сўнг фирма ва компания ихтиёрида қоладиган даромаднинг бир бўлаги. Фирма ва компания ва ташкилотлар фойдани турли мақсадларда сарф қилишлари мумкин ва бу пахта-тўқимачилик кластерлари таъсис

хужжатлари, фирма ва компания раҳбари ёки акциядорлар йиғилиши қарорига биноан амалга оширилади.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитида фойда кўрсаткичини тўғри аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даромад ҳисобидан маҳсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, резерв фонди ташкил этади, капитал қўйилмалар молиялаштирилади ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилади.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг (2-сон шакл) амалдаги шаклида ўтган йилнинг ва ҳисобот йилнинг мос кўрсаткичлари кўрсатилган, қайсики ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан мос кўрсаткичларнинг ўзгаришлар тенденцияларини ўрганиш учун муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

#### 1-жадвал

#### Пахта-тўқимачилик кластерининг 2021 йил учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум	010	39220169	X	49325157	X
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	020	X	34499197	X	32989154
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (010-020)	030	<b>4720972</b>		<b>16336003</b>	
Давр харажатлари, жами (050+060+070+080), шу жумладан:	040	X	1456330	X	1669344
Сотиш харажатлари	050	X	138701	X	162622
Маъмурий харажатлар	060	X	324189	X	333745
Бошқа операцион харажатлар	070	X	993440	X	1172977
Келгусида солиқса тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	080	X		X	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090		710463	31320	X
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (030-040+090)	100	3975105		14697979	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (120+130+140+150+160)	110	217881	X	727072	X
Дивиденdlар шаклидаги даромадлар	120	9	X	9	X
Фоиз шаклидаги даромадлар	130	217872	X	2034	X



Узок муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар	140		X		X
Валюта курси фарқидан даромадлар	150		X	725072	X
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		X		X
Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами (180+190+200+210)	170	X	3899432	X	15053392
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	X		X	507316
Узок муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоиз шаклидаги харажатлар	190	X		X	
Валюта курси фарқидан заарлар	200	X	3899432	X	14546075
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	X		X	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (100+110-170)	220	293554		371659	
Фавқулотдаги фойда ва заарлар	230				
Фойда солиги тўлагунга қадар фойда (зарар)	240	293554		371659	
Фойда солиги	250	X		X	74057
Фойдадан бошқа соликлар ва йигимлар	260	X		X	
Хисобот даврининг соғ фойдаси (зарари)	270	293554		297602	

Мамлакатимизда жорий қилинган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бир қанча хусусиятларга эга. Биринчидан, ҳисобот харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳолда молиявий натижаларнинг босқичма-босқич шаклланишига асосланган. Натижада, ҳисобот ахборот фойдаланувчиларга корхонанинг маҳсулот (товар, иш ва хизматлари) сотишдан олинган ялпи фойдаси (сотишнинг натижаси), асосий фаолиятнинг фойдаси (давр харажатлари ҳисобга олингандан кейинги натижа), умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (молиявий фаолият натижалари ҳисобга олингандан кейинги натижа), фойда солиги тўлагунга қадар фойда (фавқулотдаги фойда ва заарлар ҳисобга олинган натижа), ҳисобот даврининг соғ фойдаси кўрсаткичлари тақдим этилмоқда. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби халқаро стандартлар талабларига мувофиқ келади. Иккинчидан, ўтган йилнинг шу даврида ҳамда ҳисобот даврида даромад ва харажатлар учун алоҳида устунлар ажратилган. Бу эса даромад ва харажатларни аниқ бир-

биридан ажратилган ҳолда ёзишга ҳамда ҳисобот даври натижаларини ўтган йилнинг тааллуқли йилларига солиштириш имкониятини беради. Учинчидан, ҳисобот 1-сон БҲМС "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот"да қайд қилинган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилиши лозим бўлган ахборотларни тўлиқ қамраб олади. Тўртинчидан, ҳисоботнинг ҳар бир кўрсаткичига сатр коди берилган. Оралиқ кўрсаткичларни ҳисоблаш учун мўлжалланган сатрлар қайси тааллуқли сатрлардаги суммаларни жамлаш ёки айириш орқали топилиши кўрсатилган. Бу эса ҳисоботнинг дастурий таъминотини таъминлайди.

**Натижа.** Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни таркиби, тузиш ва тақдим қилиш тартибини белгилашда илғор хорижий тажрибаларни қўллаш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш учун қўйидаги йўналишларда такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, ҳисоботнинг номланишини "фойда ва заарлар ва

бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот” деб ўзгаришиш ва унинг таркибини янгидан ишлаб чиқиши керак, яъни ҳисботнинг форматини яратиш керак. Маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган тушум, сотилган маҳсулотлар (иш ва хизмат) лар таннархи кўрсаткичларини аниқлаш тартибини ва уларнинг таркибини 15-сон МХХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” ва МХХСлари талабларига уйғунлаштириш керак. Бошқа тўплам даромадлар таркибини 1-сон БХХС “Молиявий ҳисботларни тақдим этиш” стандарти талаблари асосида ишлаб чиқиши керак.

Иккинчидан, ҳисботдаги кўрсаткичлар, жумладан сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, бошқа операцион харажатлар, келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисбот даври харажатлари, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолият бўйича даромадлар ва харажатлар каби кўрсаткичларнинг мазмуни, таркибий моддалари ва аниқлаш услубиётини илфор тажрибаларга мувофиқлаштириш лозим.

Учинчидан, ҳисботда акс эттирилаётган кўрсаткичларни тан олиш, идентификатсиялаш, баҳолаш, уларни ҳисобга олиш протседураси ва усувлари ҳамда ҳисботда акс эттириш услубиётини такомиллаштириш керак. Чунки, халқаро тамойиллар асосида ишлов берилган ахборотгина объективлик, ишончлилик ва аҳамиятлилик хусусиятларига эга бўлади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботда мухим кўрсаткичлардан бири бу реализация қилинган маҳсулотларнинг таннархи ҳисбланади. Иқтисодий адабиётларда реализация қилинган маҳсулот таннархи ва ишлаб чиқарилган

маҳсулот таннархи кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик этарли даражада ёритилмаган. Ушбу боғлиқликни аниқ акс эттириш учун молиявий ҳисоб ва ҳисбот мақсадларида маҳсулот таннархига доир ҳисбот тузилиши мақсадга мувофиқdir. Зеро олимларимиз таъкидлаганлариdek, ортиқча харажатларнинг устидан кундалик назоратни ўрнатиш, ортиқча сарфларга йўл қўймаслик ва шу асосда маҳсулот таннахининг камайишига эришиш бухгалтерия ҳисбонинг энг мухим вазифаларидан бўлиб ҳисбланади.

Таннархнинг оптималлашишига эришиш, ортиқча сарфларга йўл қўймаслик ҳамда таннархни бошқариш учун даставвал маҳсулот таннархига оид бўлган кўрсаткичлар тизими ва уларнинг ҳисбот мақсадларида илмий таснифи талаб этилади.

Бухгалтерия ҳисбига оид иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида таннархнинг ушбу элементларига куйидагича таъриф берамиз:

Тўғридан-тўғри материал (бевосита) бу ишлаб чиқаришда унинг асосини ташкил эттирадиган, яъни тайёр маҳсулот шу материалдан яратиладиган хом-ашё ва захирадир. Ишлаб чиқаришда ёрдамчи ёки иккиламчи аҳамиятга эга бўлган материаллар ҳам ишлатилади. Бундай материаллар билвосита харажатлар бўлиб уларни устама ишлаб чиқариш харажатларига олиб бориш қабул қилинган.

Тўғридан-тўғри меҳнат (бевосита) бу ишлаб чиқаришга жалб қилинган материалларни тайёр маҳсулотга айлантириш ва маҳсулот турларига тўғридан-тўғри идентификатсиялаш мумкин бўлган харажатдир. Ишлаб чиқариш билан билвосита алоқадор бўлган ва уларнинг меҳнати бир қанча

таннахи объектларига таллуқли бўлган ҳолларда ишчиларнинг меҳнати билвосита харажат сифатини эътироф этилиб устама ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилади. Кластер корхоналарида харажатлар ҳисобини юритишнинг яна бир хусусияти борки, у ҳам бўлса, кластер корхоналарининг битта фаолият билан чегараланмаганлигидир. Шу боис,

кластер корхоналарида бухгалтерия ҳисобини, жумладан турли кўринишдаги харажатлар ҳисобини юритиш мухим аҳамият касб этади. Мазкур масала бўйича ҳам олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдик, кластер корхоналарида ҳисоб юритиш бошқа корхоналарга нисбатан сезиларли мураккаблик касб этади.



**1-расм. Пахта-тўқимачилик кластерларида харажат объектлари ва улар ўртасида харажатларни тақсимлаш кетма-кетлиги**

“Корхоналар ҳисоб сиёсатида даромадлар ва харажатлар ҳамда улар ҳисобини юритиш билан боғлиқ масалаларнинг акс эттирилиши, маҳсулот таннахини ташкил этувчи ҳамда давр харажатларини оптималлаштириш имкониятини бериб, даромадларни ошириш ҳамда натижада корхона фойдасини кўпайтиришга хизмат қиласди. Шу боис, ҳисоб сиёсатини тузишда ҳисоб

юритишдаги энг оптималь усусларни танлаш керак. Яъни, ҳисоб сиёсатини тузиш мақсадида, корхонанинг асосий даромад манбаи ва харажатлар таркиби шакллантириб олинниб, мазкур объектлар ҳисобини юритишнинг энг мақбул усуслари мазкур ҳужжатда ўз аксини топиши керак.” деб харажатларнинг хўжалик субъектларида ўта мухим

аҳамиятга эга эканлигини алоҳида исботлаб берган.

### **Пахта-тўқимачилик**

**кластерларида** умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш босқичлари:

харажатларни вужудга келиш марказлари бўйича структуравий бўлинмалар томонидан харажатлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва жамлаш;

йиғилган маълумотларни харажатлар моддалари бўйича тақсимлашдан олдин, унинг таркиби бўйича таҳлил қилиш;

Умумишлаб чиқариш харажатларини тўғридан-тўғри тақсимлаш – бу пахта-тўқимачилик кластер тузилмасидаги маълум бир харажат обьектига сарфланган харажатларни тақсимлаш ва бошқалар:

**Хулоса.** Пахта-тўқимачилик кластерларида даромад ва харажатлар ҳисобини юритишининг ўзига хос хусусияти бор, мазкур кластер тизимидағи корхоналарда бир нечта фаолият турлари мавжудли. Кластерларда бухгалтерия ҳисобини, жумладан,

молиявий натижаларни, яъни даромад, харажат, фойда ва заарлар ҳисобини юритиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масала бўйича ҳам олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдик, кластерларда ҳисоб юритиш бошқа корхоналарга нисбатан сезиларли мураккаблик касб этади.

Хозирги кунда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботни тўлдиришда кўпгина камчиликлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, хозирги талаблардан келиб чиқсан ҳолда фойда ва заарлар тўғрисида ҳисботда камида тўртта кўрсаткич келтирилиши лозим: ялпи фойда, бошқа муомалалардан кўрилган фойда, солиқ чиқаруб ташлангунга қадар бўлган фойда, солиқ тўлангандан кейинги соф фойда, бундан ташқари реализация ҳажми, реализация қилинган маҳсулот таннархи, фоизлар бўйича тушумлар ва инвестициялардан кўрилган даромадлар, чет эл валютаси операциялари бўйича кўрилган фойда ва заарлар каби маълумотлар ҳам ҳисобга олиниши керак.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июнданги ПФ-5742-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4378526>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Тошкент 2022 йил 20 декабрь йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2020 йил 21 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларида ўтишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/4746047>
4. Langfield-Smith, K., Thorne, H., & Hilton, R. W. (2009). Management accounting: for creating and managing value(5th ed.): McGraw-Hill Higher Education, North Ryde.
5. Pylypenko, A. A. Consolidation of accounting information in the reflexive management of the development of competitive potential of the tourist and recreational



- cluster. BusinessInform, 2012. pp. 48-51.
6. Claret, J., & Phadke, P. D. (1995). Pricing - A challenge to management accounting. Financial Management, 73(9), 20-21.
  7. Cooper, R., & Kaplan, R. S. (1992). Activity-based systems: Measuring the costs of resource usage. Accounting Horizons, 6(3), 1.
  8. Sharma R. S., Accounting for Agriculture Department of ABST, International Journal of Recent Research and Review, 2012, Vol. II, pp. 62-66.
  9. Skinner, R. C. (1970). The determination of selling prices. The Journal of Industrial Economics, 201-217.